*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 239 (9885).

1990 йил 14 декабрь жума

Баҳоси 3 тийин.

*КПСС Марказий Қўмитаси Пленумининг 1990 йил 11 декабрдаги Қарори*

## ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Совет жамиятининг тараққиёти кўп миллатли давлатимизни янгилаш вазифасини кун тартибига жуда ўткир қилиб қўйди.

КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, ягона Совет Иттифоқини янгилаш ва сақлаб қолиш халқларимиз эркин ривожланишининг зарур шартидир.

Энг муҳим муаммолар — иқтисодий, ижтимоий, миллатлараро, сиёсий, ҳуқуқий муаммоларнинг ҳал этилиши, ҳокимият обрўсининг мустаҳкамланиши, ССЖИнинг халқаро мавқеи сақлаб қолиниши ва мустаҳкамланиши янги Иттифоқ Шартномасининг қабул этилиши билан боғланган.

Миллий сиёсатдаги нотўғриликларни тугатмай туриб, халқларга жумҳуриятларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигини таъминлаб бўлмаслигига Пленумнинг ишончи комил.

КПСС Марказий Комитети мамлакатнинг мустақил тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи тарзидаги янги давлат тузилишини имкони борича қисқа муддатларда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва мустаҳкамлаб қўйиш тарафдоридир.

2. Пленум ҳисоблайдики, Иттифоқ Шартномаси концепцияси миллий-давлат тузилишини халқчиллик руҳида ўзгартириш ва жамиятни жипслаштириш учун негиз яратади. КПСС бу конференциянинг иттифоққа бирлашиш ихтиёрийлиги, инсон қаерда яшашидан қатъий назар, унинг ҳуқуқлари устунлиги, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи дахлсизлиги принципларини, давлат сиёсатининг демократия, иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, миллий маданиятларнинг эркин ривожланиши ва бир-бирини ўзаро бойитиши, умумбашарий ва миллий қадриятларни бирга қўшиш йўли каби энг муҳим қоидаларни қўллаб-қувватлайди. Бу принциплар КПССнинг миллий сиёсатга асосий ёндашувларига мос келади ва жумҳуриятларнинг мустақиллик тўғрисидаги декларацияларида иттифоқни янгилашга қаратилган қоидаларга асосланади.

3. Шу билан бирга Пленум иттифоқни янгилашнинг социалистик руҳи аниқ белгилаб қўйилиши, жумҳуриятларнинг ваколатлари батафсил баён этилиши, шартноманинг субъектлари белгиланиши, шу тариқа барча халқларнинг янгиланган иттифоқни қуришда демократик тарздаги иштироки таъминланиши тарафдори эканини билдиради. Иттифоққа аъзолик тўғрисидаги масала халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши орқали, шу жумладан умумхалқ овозига қўйиш йўли билан ҳал қилиниши керак. Шартномада оз сонли халқларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кафолатларини акс эттириш зарур.

4. Пленум ССЖИ Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида»ги қарорини, ССЖИ Президентининг давлат ҳокимияти амалдаги тузилишини ислоҳ қилишга ва мустаҳкамлашга, қонунларнинг талаблари бажарилишига, истеъмол, айниқса озиқ-овқат бозоридаги вазиятни тартибга солишга, миллатлараро муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари дастурини қўллаб-қувватлайди ва коммунистларга инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишга зўр ғайрат билан кўмаклашишни тавсия қилади.

Марказий Комитет Пленуми бевосита жумҳуриятлараро алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама асосда ривожлантиришни маъқуллаш билан бирга, уларни Иттифоқ Шартномаси ғоясига қарама-қарши қўйиш мақбул эмас, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш амалдаги иттифоқ қонунларини ҳурмат қилишни ва бекаму-кўст бажаришни талаб қилади. Бу қонунлар Иттифоқ Шартномаси имзолангунча ва янги Иттифоқ Конституцияси қабул этилгунча ўз кучини сақлаб қолади.

5. Пленум қатнашчилари КПССнинг тарихий истиқболи социалистик олий мақсадлар учун, чинакам миллий ва байналмилал манфаатлар учун кураш билан чамбарчас боғлиқлигига астойдил аминдирлар. Пленум ҳисоблайдики, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг биргаликдаги фаолияти жумҳуриятларнинг янги Иттифоқ Шартномаси асосидаги амалий мустақиллигига эришишга қаратилиши керак.

Партия комитетлари, бошланғич ташкилотлари маслакдошларни жипслаштиришга ҳаракат қилишлари, халқларимизни бирлаштириб турган ҳамда ўзаро ёрдам ва мададкорликка таяниш имкониятини бераётган қадриятларни муҳофаза қилиш соҳасида янада қатъийроқ ҳаракат қилишлари лозим.

6. КПСС Иттифоқни янгилаш ва сақлаб қолишни ёқлаб чиқаётган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва партиялар билан мулоқотга ва ҳамкорликка тайёр. Айни вақтда партия иттифоқни барбод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяётган миллатчи-шовинистлар билан бирон-бир муросага келиш эҳтимолини рад қилади. У айирмачиликка, бошқа миллат кишиларига нисбатан адоват уруғларини сочиш йўлидаги уринишларга, нацистларнинг гумашталарини оқлаш, Совет даври тарихини йўққа чиқариш муддаоларига бундан буён ҳам зарба бераверади.

7. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шартнома лойиҳасини ва декабрь Пленуми якунларини барча бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш зарур деб ҳисоблайди. Ҳар бир кишининг дилига йўл топиш, халқларимизнинг тақдирлари муштараклиги, асрий анъаналар, чуқур иқтисодий ва маънавий алоқалар иттифоқни сақлаб қолишни тақозо этаётганига далил-исботлар билан ишонтириш муҳимдир. Иттифоқ зарурлигининг яна бир сабаби шуки, у жумҳуриятлар ҳудудий яхлитлигининг, барча халқлар хавфсизлигининг ишончли кафолатидир. Алоҳида бўлиб олиш, шу жумладан божхоналар ва бошқа тўсиқлар билан ўзини ажратиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар иқтисодий бирлашув манфаатларига ва умумиттифоқ бозорини ривожлантиришга зиддир. Кучли мустақил жумҳуриятлар ва кучли иттифоқ — келажагимизни тўла-тўкис белгилаб берадиган диалектик бирликдир.

8. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, котибиятига, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетларига, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетларига барча поғоналардаги Советлар орқали партиянинг ССЖ Иттифоқини сақлаб қолиш ва тубдан янгилаш йўлини ўтказишда коммунист депутатларга амалий ёрдам бериш тавсия этилади. Бу соҳада партия матбуоти, оммавий ахборот воситаларида ишловчи коммунистлар фаол ва аниқ мақсадни кўзлаб иш тутишлари керак. Пленум Марказий телекўрсатувда миллатлараро муносабатларни, Совет жумҳуриятлари халқларининг турмушини ёритиш учун махсус «Ҳамдўстлик» каналини барпо этиш кераклигини билдиради. Шу масалалар юзасидан таниқли фан ва маданият арбоблари, ишчилар, деҳқонлар ўз фикрларини билдиришлари, улар ўз обрў-эътиборлари билан, амалий мавқеи билан кўп миллатли давлатимизни сақлаб қолиш ҳаётий зарурат эканини тасдиқлашлари муҳимдир.

9. Пленум ҳисоблайдики, миллий-давлат қурилишини такомиллаштириш миллий муносабатлар назарияси ва амалиётининг энг муҳим масалаларини жиддий илмий ишлаб чиқишни талаб қилади.

Пленум махсус илмий марказ барпо этилиши, шу муаммолар юзасидан даврий нашр таъсис қилиниши кераклигини билдиради. КПСС Марказий Комитетининг Котибияти ушбу топшириқнинг бажарилишини назорат остига олсин.

10. КПСС Марказий Комитетининг Котибияти, иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг Марказий Комитетлари, жумҳурият, ўлка, вилоят, округ, шаҳар ва район партия комитетлари Иттифоқ Шартномасининг лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида айтилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, ССЖИ Олий Кенгашига ва жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларига тақдим қилсинлар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат коммунистларига, меҳнаткашларига мурожаат этиб, кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг тинчлигини ва миллий иноқлигини таъминлаш йўлида куч-ғайратларини бирлаштиришга чақиради.

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **АМЕРИКАНИНГ** Хьюстон [Техас штати] шаҳрида ССЖИ Ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе билан АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер ўртасидаги музокаралар ниҳоясига етди. Жаҳон ахборот воситалари мухбирларининг қайд қилишига қараганда, бу учрашув ғоятда самарали бўлди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди. Халқаро муаммоларга тааллуқли ечимлар маълум нуқтага етказилди. Совет — Америка муносабатлари, қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш, Ер юзидаги қалтис минтақаларга муносабат, ССЖИ ва АҚШ ўртасидаги тижорат-иқтисодий алоқалар мазкур учрашувнинг асосий мавзулари бўлди.

● **АҚШ ҲАРБИЙ** маҳкамаси — Пентагон расмий вакили ўтган сешанба куни гапириб, ҳозирги пайтга келиб Америка Қўшма Штатларининг Форс кўрфасида тўпланган қўшинлари сони 260 минг кишига етди, деб айтди. Ироқнинг эса бу минтақадаги қўшинлари 500 минг кишидан ошди.

● **ФРАНЦИЯ** Саудия Арабистонида турган ўз қўшинларига қўшимча равишда яна 4 минг аскар юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Бу аскарлар мўлжалланган жойга 15 январгача етиб борадилар. Шундай қилиб, Франция қўшинларининг умумий сони 10 минг кишини ташкил этади.

● **БАНГЛАДЕШ** собиқ президенти Х. М. Эршод полиция томонидан қамоққа олинди. У бир неча кун муқаддам ўз лавозимидан воз кечиб, келажакда демократик сайловлар ўтказишга розилик берган эди. Собиқ ички ишлар вазири истеъфодаги генерал-майор М. Хасан ҳам уй қамоғига ҳукм қилинди. Полицияга собиқ ҳукуматнинг қолган аъзоларини ҳам вақтинча ҳибсга олиш тўғрисида буйруқ берилди.



● БЕРЛИН. Германия Федератив Жумҳурияти давлат байроғида қора, қизил, сариқ ранглар мужассамлашган. Гельмут Коль Бирлашган Германиянинг биринчи канцлери бўлгач, у мамлакатнинг оёқ кийимлари тикувчиларидан ўзига хос туҳфа олди. Унга совға қилинган пойабзалда юқоридаги уч ранг ўз аксини топди. Суратда: Г. Коль рафиқаси билан шундай пойабзални томоша қилмоқда.

ДПА — ТАСС сурати.

● **ЯҚИНДА** ўз лавозимидан ағдариб ташланган Чад президенти Хиссен Хабре Камерундан бошпана топган эди. Ўтган душанба куни Х. Хабре тайёрада Зоирга учиб борди. Аммо у тушган самолётга қўниш учун Зоир томони рухсат бермади. Х. Хабре Камерунга қайтишга мажбур бўлди. Рейтер ахборот агентлиги мухбирининг хабарига қараганда, собиқ президент Камерундан Сенегалга учиб кетган эмиш.

● **БОЛГАРИЯНИНГ** собиқ раҳбари Т. Живков устидан олиб борилган тергов тамом бўлди. Жумҳурият прокуратурасининг хабарига қараганда, унинг иши олий судга оширилган. Т. Живков катта миқдордаги пул ва мол-мулкларни талон-торож қилишда, автомашиналар, турар-жойларни, мукофотларни қонунсиз тақсимлашда айбланмоқда.

● **ЭНДИЛИКДА** Албанияда кўппартиявийлик тартиби амал қила бошлайди. Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленумида ана шундай қарор қабул қилинди. Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. АМП Марказий Комитети сиёсий бюроси таркибидан 5 аъзо ҳамда 2 аъзоликка номзод чиқариб ташланди. Улар партия ҳамда мамлакат ҳаётида ўзгаришлар қилишга қаттиқ қарши чиққан эдилар.



● ЧЕХОСЛОВАКИЯ Федератив Жумҳуриятининг Чешские Будеевице шаҳрида 1911 йилда ишлаб чиқарилган багатти моделига мансуб автомашина сақланиб қолган. Машина эгаси Франтешек Эрнест 74 рақамга эга бўлган мазкур машинасини жуда яхши асраган. Шу кунларда бу машинадан ўтмишга доир кинолавҳалар олишда фойдаланилмоқда. Суратда: 74 рақамли машина.

ЧТК — ТАСС сурати.

● **ИНДОНЕЗИЯНИНГ** Ириан — Жая деган шарқий вилоятида ўлат касали тарқалганлиги маълум бўлди. Мамлакат тиббиёт хизматлари маълумотларига қараганда, бу касаллик 15 та аҳоли яшайдиган қишлоқларга ёйилган. Ҳозиргача 50 киши шу хасталикдан вафот этди.

● **АҚШнинг** Калхун шаҳри [Теннесси штати]да жуда катта автомобил ҳалокати рўй берди. Қаттиқ туман тушган жойда — шох йўлда 75 машина бир-бири билан тўқнашиб кетди. Натижада кўпгина автомобиллар аланга ичида қолди.

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

*Хушхабарлар*

### ТОШКЕНТ МОТОРОЛЛЕР ВА МОПЕДЛАРИ

● «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ Янги йилда полимер материаллардан «Багги», мотороллер, мопед каби маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлайди. Бу ерда ишлаб чиқариш ана шу иш учун тайёрланмоқда. Ўйинчоқларнинг ҳажми икки ёшдан етти ёшгача бўлган болалар уларга миниб «ҳайдай» оладиган қилиб ишланади. Дастлаб янги маҳсулотга талабни аниқлаш учун бу нарсаларни фақат бир неча минг донадан тайёрлаш мўлжалланмоқда.

### ЯНГИ ҚОПЛАМА

● ЎРТА ОСИЁ илмий-текшириш илмгоҳининг ирригация илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари ва мутахассислари пол учун янги қоплама ишлаб чиқдилар. Улар анъанавий иссиқликни ўтказмайдиган материаллар ўрнига чидамли полимербетон қоплама таклиф қилдилар. Бу қоплама арзон, мустаҳкам, сувни ўтказмайди. Янгиликдан саноат, қишлоқ хўжалик ва гидротехника қурилишида фойдаланиш мумкин. Қоплама ҳозирнинг ўзидаёқ Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасининг объектларида жорий этилган.

### КОРХОНА СТИПЕНДИЯСИ

● ТЎЙТЕПА автобус-таксомотор саройининг жамоаси ўз оталиғидаги мактаб ўқувчилари учун стипендиялар таъсис этди. Ўн етти нафар энг яхши ўқувчи бундан буён ҳар ойда корхона жамғармасидан 15 сўмдан стипендия олади. Оталиқ корхонаси мактабга бинони тузатишда, зарур ускуналар сотиб олишда ёрдам беряпти.

(ЎзТАГ).

## РЎЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

### БИЗ МИННАТДОРМИЗ

КУНДАЛИК матбуот нашрларини кузатиб бораман. Очиғи, уларда эълон қилинаётган баъзи мақолаларни ўқирканман, бироз ранжийман ҳам. Сабаби айримлар фақат камчиликлар, нуқсонларни санашади. Тўғри, жамиятимизда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар сероб. Лекин назаримда камчиликлар билан биргаликда амалга оширилаётган яхши ишларни ҳам тан олишимиз керак-да. Мени ушбу мактубни «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига йўллашимдан мақсадим ҳам шу.

Келинг, жумҳуриятимизда сўнгги йилларда қилинган хайрли ишларнинг ҳаммасини санаб ўтирмай. Буларнинг ичида фақат биттаси — яъни Президентимизнинг аҳолини чорва моллари ҳамда ем-хашак билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони ҳақида фикр юритайлик. Бу фармоннинг халқ дилидаги иш бўлганлигини барча тан оляпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ яхшигина самарасини берди. Аҳоли қўлидаги чорва туёғи кўпайди. Энг муҳими асосий муаммо — озуқа масаласи ҳал бўлмоқда. Илгари ўзи етиштирган пахтадан олинаётган шелуха, кунжара ва бошқа емишларнинг бир килограммига зор бўлиб юрган халқимизга уларни сотиш йўлга қўйилди.

Яқинда Киров ноҳиясидаги «Қизил деҳқон» ва Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номидаги маҳалла аҳлининг талабига биноан ноҳия матлубот жамиятининг раиси, ноҳия кенгашининг депутати Шукрулла Абдуллаевга учрашдик. У бажонидил бу борада бизга кўмаклашди. Сўнгги ўн беш кунда аҳолига 20 тоннадан ортиқ кунжара, 20 тонна шелуха тарқатдик.

Шуниси эътиборга лойиқки, илгари бу емишларни фақат уруш ва меҳнат ветеранларига ажратилар эди. Матлубот жамияти раисининг бевосита ёрдами туфайли ҳар бир хонадонга бир бош қорамол ҳисобига 100 килограммдан кунжара ва имконият даражасида шелуха берила бошланди. Келгусидаги режаларимиз янада катта. Асосий мақсад аҳоли қўлидаги чорвани кўпайтириш. Бу бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Мен юқорида жумҳурият Президенти томонидан қабул қилинган фақат битта фармон тўғрисида сўз юритдим. Унинг бошқа хайрли фармонларидан ҳам биз миннатдормиз.

Н. АБЗАЛОВ,
Киров ноҳиясидаги «Қизил деҳқон» маҳалла кенгаши раиси, Киров ноҳия кенгаши депутати.

### АЧАВОТДАГИ ҲАНГОМАЛАР

Ичкиликка қарши кураш бошланди-ю, олиб-сотар, чайқовчиларга худо берди: улар «об-замзам»ларни қаерлардандир топиб келиб, пинҳона савдоларини бошлаб юборишди. Илгари бу ишлар билан лўлилар шуғулланишарди. Энди уларга нон қолмади, маҳаллий миллатимизнинг айрим учар вакиллари бу даромадли «соҳа»ни ҳам ўз қўлларига олдилар. Сағбон кўчасининг Ачавот маҳалласида, шу кўчанинг Чиғатой дарвозаси билан боғловчи Хуррият тор кўчасида арақ, сигарет чайқови авжига чиқди. Бир шиша арақнинг нархи 15 сўм, «Чимкент пивоси» 2,5 сўм, сигаретларнинг бир қутиси 3—5 сўм. Пиво ва арақлар олиб сотарларнинг ҳовлисига машинаси билан келтирилади.

Мен шу даҳада тураман. Деярли ҳар куни қуйидаги манзарани кузатаман: кеч соат 4—5 ларда узун қора таёқ кўтарган уч милиционер келади. (Қизиғи шундаки олиб-сотарлар улардан ҳайиқишмайди). Тартиб посбонлари шу ерда бироз ўралашиб, сўнг ғойиб бўладилар. Улар нима қилишади, қандай тартиб ўрнатишади, биров билмайди.

Ичкилик савдосининг қизиши ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Сағбон энг тор кўчалардан бири. Серқатнов. Сигарет ёки ичкилик харид қилаётган одам машинасини кўчага қўйиб, автобус қатновига халақит беради.

Хуллас, Ачавотдаги хангомаларнинг олдини олиш, бу ерда тартиб ўрнатиш зарур.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси.**

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### «ЯШИРИШ КАСАЛИ»ГА МУБТАЛОЛАР»

Рўзномамизнинг шу йил, 6 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида рейд материали босилиб, унда Коммунистик ноҳиясидаги Ийк матлубот жамиятига қарашли «Баҳор» универмагидаги қонунбузарликлар ҳақида сўз юритилган эди.

Мақола юзасидан Ийк матлубот жамияти бошқарувининг раиси А. Даулатов, бошқарув аъзолари Н. Ким, Р. Цой, О. Сапаров, А. Сапаров имзолари қўйилган жавоб мактуби олдик. Унда айтилишича, танқидий мақола матлубот жамияти бошқаруви йиғилишида муҳокама қилинган. Универмагдаги моддий жавобгар шахслар устидан назоратни сусайтириб юборганлиги учун «Баҳор» директори О. В. Истоминага қаттиқ ҳайфсан берилди. Трикотаж бўлимининг мудири К. Эгамбердиевнинг матлубот жамияти соҳасида 1989 йил, сентябрь ойидан ишлаётганлигини ҳисобга олиб, у вазифасидан уч ой муддатга пасайтирилди. Заргарлик буюмлари бўлими мудири Н. А. Ким текширув пайтида касаллиги туфайли ишга чиқмаган эди. Бироқ, барибир, қаттиқ ҳайфсан билан «мукофот»ланди. Шунингдек, кичик сотувчи И. Ногай, савдо бўлимларининг мудирлари Т. Хотамов, Д. Қорабоев, Ф. Маҳмудовлар ҳам яшириш «касали»га қарши жазо-дорилар билан эмландилар.

Кадрлар бўлими ва бош бухгалтерга юқорида тилга олинган бўлимларда ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш вазифаси топширилди.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бизнингча, савдо ходимларининг яшириш «касал»ларини вазифаларидан бироз муддатга пасайтириш ёки ҳайфсанлар билан жазолаш билан асло даволаб бўлмайди. Чунки нима кўп-ҳайфсан кўп. Бу ҳайфсанлар қонунбузарларга пашша чаққанчалик таъсир қилмайди.

Бизнингча савдода ниҳоятда қатъий назорат керак. Бериладиган жазолар шундай бўлсинки, бошқа савдо ходимлари ҳушёр тортишсин, совет савдо қоидаларини бузишга журъат этишмасин.

### ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА

1991 йилнинг февралида жумҳуриятимиз меҳнат аҳли буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини кенг нишонлайди. Бу борада ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари қизитиб юборилган.

Айниқса ЎзССЖ Фанлар академиясининг Х. С. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтлари ҳамда «Китобхон» жумҳурият жамияти ҳамкорликда амалга ошираётган ишлар ибратлидир. Юқорида номлари тилга олинган илмий-тадқиқот илмгоҳлари А. Навоийнинг 20 жилдлик тўлиқ асарларини нашрга тайёрламоқда. Шу кунларда шоирнинг (филология фанлари номзоди Ф. Сулаймонова нашрга тайёрлаган) «Бадоий-ул-васат», «Фавоид-ул-кибор» (5—6 жилдлари) девонлари китобхонлар қўлига тегди. Бундан ташқари Г. Расулованинг «А. Навоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккири», М. Рашидованинг «А. Навоийнинг ҳаёти ва ижод саҳифалари» каби илмий асарлари чоп этилди.

Шоир «Ҳамса»сидан ўрин олган достонлар алоҳида-алоҳида ҳолда, танланган шеърлари эса (тузувчи Р. Қобулова) рус тилида босмадан чиқди.

Ҳ. ЮНУСОВА.

САҲНА ЧИРОҚЛАРИ ЁНГАНДА

## «АЛИШЕР НАВОИЙ» ОПЕРАСИ

ТЕАТР жамоалари Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» саҳна асарига неча марталаб мурожаат этишган. Энди бу асар опера саҳнасида — буюк шоир ва мутафаккир номи билан аталувчи Ўзбекистон ССЖ Катта театрида ҳам қўйилди. Ушбу асарга ўзбек бастакори Мутал Бурхонов мусиқа басталади.

Шуниси диққатга сазоворки, режиссер, Ҳамза номидаги давлат мукофотининг лауреати Баҳодир Йўлдошев ўз кучини биринчи марта опера саҳнасида синаб кўрди. У ижодий фаолияти давомида биринчи марта ўзи учун ғайритабиий бўлган опера санъатига мурожаат этди. Операни яратишда саҳна безаклар устаси Туйғун Шораҳимов, либослар устаси Зинаида Куриш унга яқиндан ёрдам бердилар.

Алишер Навоий роли икки актерга — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Т. Хусанов билан Ш. Ғафуровга ишониб топширилди. А. Бозоров ва Ш. Зиямуҳамедов Хусайн Бойқаро, Ш. Тўхтабоева, Ю. Абдуллаева, М. Маматовалар эса Гули образини яратдилар. Спектаклга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғани Тўлаганов дирижерлик қилмоқда. Опера Алишер Навоийнинг яқинлашиб келаётган 550 йиллик таваллуди муносабати билан саҳналаштирилди.

(ЎзТАГ мухбири).

